



ЗАХИРАХОНАЛАРДА КОЛЛЕКЦИЯЛАР МУОМАЛАСИ



Қайта босиб чиқаришга рухсат фәқат тегишли манбага ҳавола қилинганды ҳамда ЮНЕСКО Баш Қароргоҳига (7, place de Fontenoy, 75732 Paris 075 P, France) нусха юбориш шарты билан берилади. Ушбу ҳужжатта ҳавола қилингудек бўлса, уни куйдагича номлаш керак: © UNESCO, 2010. Cultural Heritage Protection Handbook №5. Handling of Collections in Storage, UNESCO, Paris. (© UNESCO, 2010. Маданий мерос мұхофазаси маълумотномаси № 5. Захирахоналарда коллециялар мұомаласи, ЮНЕСКО, Париж).

Мұхаррирлар: **Барбара Эgger (Barbara Egger), Хелен Гипулу (Helene Gipoulou), Нарджес Буджемай (Nardjes Boudjemai) ва Мәри-Каролин Аррето (Marie-Caroline Arreto)** құмаклигыда **Нао Хаяши Денис (Nao Hayashi Denis)**

Матн мұаллифлари: **ИККРОМ (Кэтрин Антомарчи (Catherine Antomarchi), Изабель Вергер (Isabelle Verger))** ҳамкорлигыда **Мартин де Руйтер (Martijn de Ruijter)**

Расмлар: **Джули Бланчин (Julie Blanchin)**

© UNESCO
2010CLT/CIH/MCO/2010/143/PI


1-БОБ КИРИШ

1.1. Захирахона — музейнинг юраги



Музей захирахонаси ҳар қандай музейнинг ниҳоятда муҳим, одатда коллекциянинг катта қисми сақланадиган жойдир. У музей ва унинг дастурлари ривожланишида ҳам аҳамиятли рол ўйнаб келади, чунки захирахона фаолияти илмий тадқиқотлар, консультация, кўргазма, асрар ҳамда коллекцияларни вақтинчалик фойдаланишга топшириш каби бошқа фаолият турлари билан яқиндан боғлиқ. Захирахона коллекциялар бутлиги ва очиқлигини таъминлагани боис, билим, тадқиқот ва илҳом манбай марказлари сифатида ўз ролларини давом эттирмоқчи бўлган музейлар олдида коллекцияларни тегишлича авайлаш ҳамда улар сақланишини бошқариш каби долзарб вазифа туради.

1.2. Асраш чоралари ва сақлашни бошқариш



Захирахонадаги коллекцияларни тегиши-
лича авайлаш ҳамда захирахонани тўғри
бошқариш музей коллекцияларини асраш
олд чораларининг ажралмас таркибий
қисмларидир. Асраш дастлабки чоралари
деганда бўлажак шикаст ёки талафотнинг
олдини олиш ёки камайтиришга йўналти-
рилган хатти-ҳаракатлар тушунилади,
захирахонани самарали бошқариш эса
коллекцияни муҳофаза қилишнинг илк
чораси ҳисобланади. Захирахонани сама-
рали режалаштириш ва бошқариш шаро-
итида шикаст ва талафот кўриш жараёнла-
рининг аксарият турлари секинлашади
ёхуд уларнинг олди олинади. Музей
ашёлари номувофиқ жойларда сақлангу-
дек бўлса, маблаг талаб этувчи ва мура-
ккаб бўлган асраш усувлари бефойда
бўлиши аниқ.

1.3. Тегишли сақлаш жойи

Тегишли сақлаш жойи:



- бир шахс жавобгарлиги остида бўлиши;
- ашёларни (жойлашув кодини қўллаган ҳолда) тезда топиб бериш имкониятини таъминлаши;
- ашёлар билан минимал бевосита алоқада бўла туриб ашёларга осон йўл очиб бериши;
- коллекция ашёларини ерда сақланмаслиги;
- сақланаётган ашёлар тури ва ҳажмларига мос сақлаш бўлинмаларига эга бўлиши;
- ашёлар оғирлигини кўтара оладиган маҳкамлаш мосламаларига эга бўлиши;
- талафотнинг барча омилларидан муҳофазани таъминлаши лозим.


1.4. Инвентаризация



Тегишли инвентаризация музейнинг барча дастурларини амалга оширилиш учун долзарб аҳамият касб этиб, сақланадиган коллекция ашёларини авайлаш учун айниқса муҳимдир. Коллекция инвентаризациясини ўтказиш деганда музейга тегишли бўлган ҳар бир ашёни тизимли равишда, одатда, ҳар бир ашёни янги келган ашёлар китоби ёки каталогдаги маълумотларга таққослаш орқали текшириш тушунилади. Инвентаризациянинг мақсади коллекциядаги барча ашёлар мавжудлиги ва тегишли жойда эканлигини таъминлашдан иборатdir.


1.5. Ҳужжатларнинг минимал стандартлари

Ҳужжатларнинг минимал стандартлари деганда қуидагилар тушунилади:



- музей барча бўлинмалари ва барча мебел бирликлари учун кенг қамровли жойлашув кодлари мавжудлиги;
- музейга келган барча (масалан, ўтган тақвим йилида) янги ашёлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олган ва янгиланиб туриладиган янги келган ашёлар рўйхат китоби мавжудлиги;
- барча ашёлар ўз индивидуал рақамига эга бўлиб, янги келган ашёлар рўйхат китоби ёки музей каталоги ёрдамида тезда топилиши мумкинлиги;
- ҳали рўйхатдан ўтмаган ашёлар осонлик билан топилиши мумкинлиги.

Инвентаризация юзасидан батафсил маълумот олиш учун коллекцияларни ҳужжатлаштиришга бағишлиланган Маданий мерос муҳофазаси маълумотнома туркумининг учинчи жилдига мурожаат қилинг.



1.6. Захирахона учун жойлашув кодлари

Ашёлар сақланадиган ҳар қандай жойга, у вақтингчалик бўлган тақдирда ҳам, маълум код берилиши шарт. Бунда:

- музейдаги ҳар қандай жойга, хоҳ бу бино, бино қавати, хона, мебел жиҳози, токча ёки қути ва ш.к. бўлсин, унга индивидуал код берилади;
- рақам ва ҳарфлар биркуви сонли ва алифбо тартиби бўйича қўлланилмоғи шарт;
- ҳар бир ашёнинг жойлашув коди музей каталогига киритилиши лозим;
- агар ашё ўз жойини ўзгартирса, унга янги, яъни унинг янги жойлашувини акс эттирувчи кодни бериш керак;
- жойлашув кодларини мунтазам равишда текшириб туриш зарур.

1.7. Захирахонанинг ўзига хос вазифаси

Музей захирахонасидан фақатгина музей коллекцияси ашёларини сақлаш мақсадида фойдаланиш шарт. Рўйхатдан ўтказиш, акклиматизация ва ўраш, карантин ва ўрганиш каби фаолият турлари захирахона билан боғлиқ, лекин алоҳида хоналарда амалга оширилиши керак. Умуман олганда:



- захирахона фақатгина ашёларни сақлаш мақсадида ишлатилиши шарт;
- ўраш материаллари, эски экспозиция панел ва мебели, босма ва бошқа материаллар захирахонада сақланмаслиги даркор;
- ўрганиш, ўраш ва расмга тушириш каби фаолият турлари захирахона майдонининг ташқарисида амалга оширилиши лозим.

1.8. Барча музей ходимларининг жалб қилиниши

Самарали ва яхши ташкил этилган захирахона деганда барча ходимларнинг жамоа иши, режа ва мuloқot асосида тузилган ҳамкорлиги тушунилади. Барча ходимлар захирахонанинг ёзма тартиб-қоидалари билан, шу жумладан, захирахонага кириш ва ашёларни қидириш, захирахонани то-залаш ва унга техник хизмат кўрсатиш, ташриф буюрувчиларни текшириш ва коллекцияларни мунтазам кўриқдан ўтказишига тегишли қонун-қоидалар билан таниш бўлишлари шарт. Маълум бир шахс расмий равишда захирахона майдонига масъул қилиб тайинланиши керак.



1.9. Хавфсизлик ва кириш ҳуқуқига оид қонун-қоидалар

Захирахона қонун-қоидалариға қуйидагилар кириши лозим:



- захирахона хавфсизлиги ва унга киришни тәъминлаш қоидаларининг белгиланиши;
- барча ходимлар қоидалар билан таниш бўлиши ва уларга риоя қилининг таъминланиши;
- рақамлар тизими ҳамда қалитлар муоммаласи қаттиқ назорат остига олиниши;
- захирахонага кириш назорати: фақатгина техник ходимлар ва раҳбарият захирахонага одатдаги киришдан фойдаланган ҳолда маҳсус рухсатнома-сиз кира олишади, қолган шахслар эса, жумладан, тадқиқотчи, мухофиз, фаррош ва хизмат кўрсатиш ходимлари ташриф буюрувчилар ҳисобланниб, қайдлар китобидан рўйхатдан ўтишлари шарт;
- шикаст, ўғирлик ёки ашёлар ўз жойини ўзгартиришининг олдини олиш мақсадида захирахонага кириш фақатгина маҳсус рухсатномалар орқали ва захирахона ходимлари кузатуви остида амалга оширилиши;
- қайдлар китобига ташриф буюрувчиларнинг исмлари, ташриф сана ва мақсади рўйхатга олиниши;
- захира жойларида чекиш, овқат истеъмол қилиш ёки ичимликлар ичиш манкилиниши.



ЕР МАЙДОНИ

БИНО

ЗАХИРАХОНАЛАР

ЖИҲОЗЛАР

ҚАДОҚЛАШ

АРТЕФАКТЛАР

2-БОБ КОЛЛЕКЦИЯЛАР ЗАХИРА ЖОЙЛАРИ

2.1. Захирахона жойининг танловига таъсир этувчи омиллар

Захирахона учун жой танлаш юзасидан қарор қабул қилишдан олдин, қуйидаги омилларни инобатга олиш керак:

- атрофдаги худудда сув тошқини, бўрон, зилзила, вулқон отилиши ёки кўчки содир бўлиши каби табиий оғатлар хавфи;
- бино жойлашган ҳудуд ва унинг теварик-атрофи ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиш, вибрацияга дучор бўлиш ва ҳоказолар хавфи;
- бино тури, шу жумладан, қурилишда ишлатилган қурилиш ашёлари (ёғоч, бетон ва ҳ.к.) ва қаватлар сони;
- кириш имконияти ва инфратузилма мавжудлиги, шу жумладан, юклаш майдончалари, кўргазма майдончалари ва консервация хоналарини инобатга олган ҳолда бинога ташқаридан ва ён-атрофдан кириш имконияти;
- захирахона бино ичида, мисол учун шифт остида ёки ертўлада эмас, балки бинонинг иқлим таъсиридан ҳимояланган марказий қисмида жойлашуви.



2.2. Захирахона хусусиятлари

Захирахона тозалаш учун қулай ва чангдан ҳимояланган бўлиши ҳамда иложи борича озода тутилмоғи шарт. Бунга қуидаги-ча эришса бўлади:

- бинонинг барча бетон қисмларини сунъий қатрон ёки сув асосидаги полиуретан билан шиббалантириш;
- деворларни сайқаллаш ва уларни эмульсион бўёқ билан бўяш.

Шу билан бирга захирахона майдонига максимал жоиз бўлган юкни ($\text{кг}/\text{м}^2$) инобатга олиш керак.

2.3. Захирахонага таҳдид солаётган хавфларни камайтириши


2.3.1. Ёнғин

Девор ва шифтлар тош ёки ганч қаби ёнғиндан сақловчى ашёлардан ишланган бўлиши лозим.

Тутун датчикларини ўрнатиш ҳамда улар яроқлилигини мунтазам равишида текшириб туриш керак.

Ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарида куқун ишлатилмаслиги керак, чунки у ашёлар устки қисмига ёпишиб қолиши мумкин. Сувли дисперсияловчи ёки карбонат ангидрид (CO_2) асосидаги қўчма ўт ўчиргичлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Ёнғин ўчириш асбоб-ускуналари олиш қулай бўлган жойда бўлмоғи лозим.


Тез ёнувчан ашёлар (масалан, нитроцеллюлозли киноплёнка) қолган ашёлардан алоҳида жойда, имкон қадар бошқа бинода сақланиши мақсадга мувофиқдир.



2.3.2. Сув, электр ва газ тармоқлари

Захирахонада қуийдагилар бўлмаслиги керак:


- мустаҳкамланмаган электр тармоғи;
- сув тармоқлари;
- дренаж трубалари;
- иссиқлик каналлари;
- газ тармоқлари.



Қисқа туташув натижасида ёнғин юзага келишига йўл қўймаслик учун барча электр жиҳоз ва симларни ажратиш ҳамда яроқлилик ҳолатини таъминлаш шарт.

Сув ва дренаж қувурлари захирахоналардан ўтмаслиги керак, чунки улар ёрилгудек ёки оқиб кетгудек бўлса, ашёларга шикаст етказиш хавфи юзага келади.

Иссиқлик каналлари захирахонадан ўтмаслиги керак, чунки ҳорорат ўзгариши оқибатида шикаст етказиш хавфи юзага келиши мумкин.



2.3.3. Хавфсизлик

Эшиклар қалин ёғочдан қилинган ёки металдан ишланган қопламага ҳамда юқори сифатли ва ишончли қулфга эга бўлиши лозим.



2.3.4. Биологик омиллар (ҳашаротлар, кемирувчилар, микроорганизмлар)

Ҳашаротлар томонидан шикаст етиш ва мөғор юзага келиш хавфини камайтириш учун захирахоналар қуруқ бўлмоғи ва яхшилаб шамоллатиб турилмоғи керак. Жумладан:


- бинонинг ташқи томонидаги барча туйнуклар герметик шиббалангандан бўлиши керак;
- барча эшик ва деразалар ёпиқ тутилмоғи лозим;
- шамоллатиш туйнуклари ҳашаротлар кириб қолиши олдини олувчи майдаде тешикли панжаралар билан жиҳозланниши керак.

Зааркунандалар кириб қолишини барта-
раф қилиш учун:

- мунтазам равишда зааркунандалар шикасти аломаттарини текшириш мақсадида экспозиция ва захира жойла-
ридаги коллекцияларни күриқдан ўт-
казиш керак;
- ҳашаротлар учун тузоқлар күйиш керак;
- ҳашаротлар нажас ва чиқиндилари пайдо бўлишини кузатиш мақсадида назоратни амалга ошириш керак;
- зааркунандалар аниқланганда бу ҳол ва уларга қарши қўлланилган чоралар тўғрисида журнالга ёзиш керак;
- ходимлар, коллекциялар ва атроф-му-
хит манбаатларини ҳисобга олган ҳол-
да зааркунандаларга қарши курашда заҳарловчи усуулардан фойдаланмас-
лик керак.

Карантин:


- Коллекцияларга келиб тушаётган ашёлар күриқдан ўтмоғи ва карантинга олинмоғи керак;
- Биологик омиллар таъсирига дучор бўлган ашёлар дастлаб ажратилиб, кейинчалик улар устида ишлаш ва уларни тозалаш лозим.



3-БОБ ЗАХИРА ЖОЙЛАРИ ШАРОИТЛАРИ

3.1. Иқлим

- Атроф-мухит барқарор шароитларини маромида ушлаб турмоқ лозим.
- Агар ашёлар турғун (яғни, күзга илинадиган ўзгаришлар ёки шикаст аломатлари құзатилмаса) ва 5 йилдан ортиқ давр мобайнида бир жойда турған бўлса, иқлим шароитлари ўзга-ртирилмаслиги керак.



3.1.1. Намлик

- Намланишнинг олдини олиш, яғни ҳаво нисбий намлигини $>75\%$ дара-жада сақлаб туриш керак.
- Ашёлар совуқдеворлар олдига қўйил-маслиги керак.
- Ашёлар ер сатҳида сақланмаслиги керак.



3.1.2. Ҳарорат

Алоҳида ҳарорат талабларига эга бўлган ашёлар (баъзи замонавий қоғоз турлари, аксарият фотосурат ашёлари, аксарият электрон маълумот ташувчи асбобускуналар ва ҳ.к.) ҳарорати созланадиган жойларда сақланиши керак, йўқса 30 йилдан 100 йилчага бўлган давр ичидаги яроқсиз бўлиб қолади. Улар ишлаш муддати ҳарорат ҳар сафар 5°C га туширилганда икки баравар ошади.

3.2. Ёруғлик: табиий нурлар тушиши

Нур органик ашёлардан ишлаб чиқарилган ашёларга муттасил шикаст етказади. Шунга:

- захирахона майдони 2 қисмга бўлинниб, ҳар бир қисм алоҳида ёруғликда бўлиши лозим;
- ёруғлик ашёларни кўриш, ашёлар билан тегишлича муомала қилиш ва ҳ.к. учун етарли даражада бўлиши лозим;
- захирахонадан чиққандан, чироқларни учирине лозим.





Захирахоналарда табиий нур бўлмаслиги керак. Деразалар, айниқса тўғридан-тўғри қуёш нури тушаётган деразалар, пардалар ёки жалюзи билан ёпилиши лозим.

3.3. Ифлослантирувчи омиллар

Ҳавонинг ифлосланиши ва чанг доимий ҳавф манбаи ҳисобланади. Яхши шамоллатиш ва кимёвий жиҳатдан чидамли ашёлардан фойдаланиш зарарли газ аралашмаларининг вужудга келиш ҳавфини камайтиради. Бундан ташқари:

- ашёларни чангдан сақлаш учун чангга қарши ғилоф ва қутилардан фойдаланиш керак. Агар ҳавони кондиционерлаштириш тизими қувурлари мавжуд бўлса, уларнинг чиқарувчи туйнуклари мунтазам равишда тозаланадиган майда донали тўр билан бекилган бўлиши лозим;
- вентиляторлардан фойдаланиш лозим;
- захирахоналарда таркибида нафталин (нафталин доналари) бор репеллентлардан фойдаланиш мумкин эмас, шу билан бирга инсектицидлар (ҳашаротларга қарши дорилар) ёки фунгицидлардан (моғорга қарши дорилар) ҳам фойдаланиш мумкин эмас, чунки улар, айниқса ёпик жойлар шароитидаги коллекция ашёларини шикастлантирувчи кимёвий моддаларни ўз ига олади.





4-БОБ ЗАХИРАХОНА МЕБЕЛИ


4.1. Захирахонада мебелнинг аҳамияти

Захирахонага тегишли мебел қуйидаги-ларга жавоб бериши шарт:

- ашёларга жисмоний таянч ва ҳимояни таъминлаш;
- шикаст етказувчилардан ҳимояни таъ-минлаш;
- ашёлар олдига ўтиш йўлларини кўпай-тириш ва осонлаштириш;
- мавжуд майдондан самарали фойда-ланиш.

4.2. Очиқ ва ёпиқ турдаги захира тизимлари

Захирахона атроф-муҳити ҳамда захирахонада сақлаш керак бўлган ашёлар катталиги ва баҳоси ушбу ашёларни очиқ ёки ёпиқ турдаги захира тизимларда сақлаш мумкинлиги юзасидан қарор қабул қилишга таъсир қўрсатади.




Очиқ турдаги захира турлари қўйидагилар учун қўлланилсин:

- Яхши ҳолатдаги ашёлар.

Ёпиқ турдаги захира турлари қўйидагилар учун қўлланилсин:

- катта бўлмаган ашёлар;
- кимматбаҳо ашёлар;
- тузилма жиҳатдан нозик ашёлар (масалан, патлардан ёки йўғон толалардан ясалган мураккаб тузилма ва ҳ.к.);
- чангдан таъсирланувчи ашёлар (масалан, енгил бўёқланган ёки сирти нотекис ашёлар);
- ёруғликдан таъсирланувчи ашёлар (резина, қоғоз, газлама, айрим бўёқлар ва ҳ.к.);
- хавфли ашёлар (ўқ-найзалар, қурол-аслаҳа ва ҳ.к.).

4.3. Захирахона мебелининг умумий хусусиятлари




- Ашёлар оғирлиги таъсирида букилиб кетмайдиган, мустаҳкам мебелдан фойдаланиш керак.
- Чидамлиликни таъминлаш учун мебел (зарур бўлгандага) болтлар билан пол ёки шифтга мустаҳкамланиши керак.
- Мавжуд бўлса, суриладиган токчалардан фойдаланиш керак.
- Ўткир қирра ёки дўнглардан, айниқса металл шкафлардаги қирра ёки дўнглардан фойдаланмаслик керак.
- Сирт силлиқ бўлиши керак.

4.4. Мебел ашёси

Захирахонадаги ашёлар уларга бевосита яқин бўлган бошқа ашёлар таъсирига учраши мумкин. Шунинг учун:

- захирахона мебелини коллекция тури ва мажвуд маблағни инобатга олган ҳолда танлаш лозим;
- кукун сиртли (пўлатга йўналтирилган синтетик полимер) металл токчалар ёки бўялган ва ўткир қирра ёки дўнглардан холи токчаларни (грунтли сирт) танлаш лозим, бунда ишлатилаётган ашёлар инерцияли, кимёвий жиҳатдан мустаҳкам ва қийинчиликсиз топиладиган бўлмоғи лозим.



Сир билан қопланган пўлат захирахона-нинг мебели ва қурилмалари учун кимёвий жиҳатдан энг мустаҳкам ашёдир.

Агар пухта бўлса, ёғочдан ҳам ашё ўрнида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ёғочнинг аксарият турлари зараркунданда ҳашаротлар таъсирига учрашини таъкидлаб ўтиш жоиз.


4.5. Захирахона мебелининг ҳажми

Захирахонадаги ишлатилаётган мебел турли катталикдаги хилма-хил ашёларни ўз ичига сиғдира олиши керак. Бозорларда мавжуд стандарт стеллажлар иқтисодий жиҳатдан фойдалари бўлиши мумкин. Лекин стандарт стеллажлардан фойдаланилгудек бўлса, беҳуда бўш жой пайдо бўлиш хавфи юзага келади, башартики токчалар захирахона ашёлари ўртacha каталигидан кенгроқ бўлса.

Лекин токчалар жуда тор бўлса, унда ашёлар билан муомала қилганда механик шикастланиш, тушиб кетиш ёки ейилиш хавфи пайдо бўлади.

Умумий ҳажм қўйидагиларга боғлиқ бўлади:

- ашёлар катталиги, шакли ва оғирлиги;
- захирахонада бўш жой мавжудлиги;
- шифтнинг баландлиги, чунки коллекцияларни олишга тўғри келганда тираб қўйиладиган нарвон ишлатиш зарурати туғилмаслиги мақсадга муовфикдир.





4.6. Стеллажлар орасидан ўтиш йўллари


Стеллажлар орасидаги ўтиш йўлларининг кенглиги токчалардаги ашёлар катталигига қараб 70 дан 120 см гача бўлиши мумкин. Ашёлар жойини ўзгартириш ва ашёларни транспорт ёрдамида ташишда жиҳозлардан фойдаланиш учун етарлича жой билан таъминлаш мақсадида стеллажлар орасидаги ўтиш йўлларини пухта режалаштириш лозим.



4.7. Қўшимча жиҳозлар

Қўйидаги қўшимча жиҳозлардан фойдаланиш имкониятини инобатга олиш лозим:

- кути ва ғалладонлар ўткир қирра ва дўйнглардан холи бўлиб, уларнинг устки қисми силлиқ бўлиши лозим;
- аравалар равон юриб, шиналари қаттиқ резинадан бўлгани маъкул;
- тираб қўйиладиган нарвонлар чидамли ҳамда захирахона ходими ва ашёлар умумий оғирлигини кўтара оладиган бўлиши лозим;
- столлар сифатли ҳамда бир вақтнинг ўзида бир нечта ашёни кўтара олиши керак. Уларни текис токча қўйиш ҳамда уларни жойдан-жойга кўчириш осонгина амалга оширилиши керак.



5-БОБ ЗАХИРАХОНА МАТЕРИАЛЛАРИ

5.1. Умумиي тушунчалар

Құрғошин, юмшоқ металл қотишмаси ва баъзи қоплама ашёлари каби айрим материаллар ёғоч, ёғочтолали тахталар ва мойбүёк каби қурилиш ашёларидан чиқувчи буғларга таъсирчан бўлади. Бундай ашёлар полиэтилен (ПЭ) ёки полипропилен (ПП) қутиларда ёки пластик қолларда сақланмоғи керак.

5.2. Қисқа муддатга мўлжалланган ашёлар

Архив сифатига тўғри келмайдиган ашёлар иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, қисқа муддат ичидаги ҳамда яширин зарорли ашёлар энг оз таъсир ўтказаётган пайтда қўл келиши мумкин (масалан, транспорт ёрдамида ташишда).




5.3. Ашёлар рўйхати

Ушбу нашрнинг сўнгги иловасига қаранг.

6-БОБ **ЗАХИРАХОНАДА АШЁЛАР** **ЖОЙЛАШУВИ**



6.1. Токчалардаги ашёларнинг таснифи ва жойлашуви



Ашёларни алоҳида жойда жойлашуви пухта режаланиши лозим.

Ашёлар жойлашуви қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин:

- ҳажми, шакли ва вазни катта ва бесүнақай ашёлар пастки токчаларга, кичик ашёлар тортмаларга, енгил ашёлар тепа токчаларга, бетартиб ҳолдаги ашёлар очиқ ва захирахона кириш қисмига яқин жойда жойлаштирилиши керак;
- ашёлар тури ва уларнинг хили жиҳатидан ўхшаш ашёларни бирга жойлаштириш лозим;
- Мавзувий (тадрижий, маданий ва географик келиб чиқиши ва ҳ.к.)



6.2. Жойлаштириш хиллари


Ашёлар турлича сақланиши мүмкін. Мисол учун:

- ётиқ ҳолатда токчада ёки тортмада;
- тик ҳолатда, яғни девор ёки панжараға осилған ҳолда ва ҳ.к.;
- ўраб қўйилған ҳолатда (айниқса газлама маҳсулотлари ва гиламлар);
- алоҳида таянч устида;
- қоп, контейнер, қофоз қути, ёғоч қути ва шу кабиларга жойлаштирилған ҳолда.

6.3. Умумиي қоидалар



- Ашёларни ҳеч қачон ерга жойлаштириш мүмкін эмас.
- Мебел қаби йирик ашёларни ҳимоя қилиш, улар билан муомала қилиш ҳамда транспорт ёрдамида ташишга қулай бўлиши учун уларни платформага ёки ромга жойлаштириш керак.
- Ортиқча кўтариб ташишнинг олдини олиш мақсадида жуда оғир ашёлар ёки катта мебелни омборхона платформа, таглик ёки ғилдиракли аравачаларда сақлаш лозим.
- Токчаларни ашёлар билан лиқ тўлдирмаслик керак. Одатда, зарур бўлган маълум ашёни олиш учун фақат бир ёки кўпи билан икки ашёни жойидан олишга тўғри келиши керак.
- Ашёлар билан муомалани ва уларни осон олиш ҳамда ҳаво айланишини таъминлаш учун ашёлар орасида етарли даражада бўш жой қолдириш лозим.




6.4. Ашёларни таянчларга ўрнатиши

6.4.1. Алоҳида таянч талаб қилувчи ашёлар


Одатда, қуийдаги ашё турлари алоҳида таянч талаб қиласди:

- устки қисми ёки тузилиши нозик бўлган ашёлар (масалан, мўрт тола, ипак ва шиша);
- сурилувчи ва қабариқ қисмларга эга ашёлар;
- маълум вақт ўтгач, ўз вазни оғирлигида бузилиш эҳтимоли бор ашёлар;
- таянч бўлмагандаги мустаҳкам турмайдиган ашёлар;
- тез-тез тадқиқ қилинадиган ашёлар;
- бўлинувчан қисмлари кўп ашёлар.



6.4.2. Таянч турлари

Таянчлар иложи борича кичик ва оддий бўлиши керак, кўпинча оддий плита ва текис тагликларни таянч сифатида ишлатса бўлади. Таянчларни лойиҳалаштиргранда захирахона стеллажлари ҳажмларини ҳисобга олиш даркор.



6.4.3. Таянч асос ва ромлар

Таянч асос ва ромлардан фойдаланганда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:


- мураккаб таянч асос ва ромлар йирик, қисмларга бўлинувчан ва оғир ашёлар учун ишлатилиши лозим;
- ашёларни сақлаш учун қўлланиладиган таянч асослар ейилмайдиган чидамли ва бир-бирига мос ашёлардан ишлаб чиқарилган бўлиши керак;
- ашёларни сақлаш учун қўлланиладиган таянч асослар шундай ташкил қилинмоғи керакки, бунда оғирлик маркази атрофида мувозанат сақланиб, оғирлик ашёга тушмаслиги керак;
- ашёларни сақлаш учун қўлланиладиган таянч асослар ягона стандартга тўғри келиши керак.



7-БОБ КОЛЛЕКЦИЯ МУОМАЛАСИ ВА МУЗЕЙ ИЧИДА ЮРИШИ

7.1. *Ашё билан муомала де- ганда нима тушуnilади?*

Ашё билан муомала деганда ашёга дахл қилиш, унинг жойини ўзгартириш ёки уни ўз жойидан кўчириш тушуnilади.



7.2. *Ашёлар билан муомала қилганда юзага келадиган хавфлар*


Ашёлар шикастланиши аксарият ҳолларда нотўғри фойдаланиш натижасида рўй бериб, ўз навбатида бу вақт танқислиги натижасида, ишга нисбатан вужудга кела-диган босим оқибатида юзага келади.

Ашёлар айниқса улар билан муомала қилганда ёки уларни ўз жойидан кўчирганда осон шикастланиш хавфи туғилади.

7.3. Умумий күрсатмалар



- Ашёларни имкон қадар камроқ ушланг.
- Ашёларни ушлашдан аввал қўлқоп кийинг.
- Бир вақтнинг ўзида фақатгина биргина ашёни ташинг.
- Ашёни икки қўллаб ушланг ва ҳеч қаҷон ашёни фақатгина дастасидан кўтарманг.
- Аравачалар юки ортиб кетишига йўл қўйманг, аравача ва контейнерларда ашёлар устма-уст қўйилмасин.
- Ҳеч қаҷон ашё ёки унинг қисмини зўраки жойлаштирунганг.




7.4. Ходимларни ўқитиш зарурати

Ходимларни самарали равишда ўқитиш натижасида бепарво муомала ва номутносиб фойдаланиш билан боғлиқ хавфлар йўқолади.



7.5. Құшимча мұлоқозалар

- Контеинер ва ашёлар тоза бўлиб, сирғанчиқ бўлмаган ва юмшоқ сиртларга эга бўлиши керак.
- Ашёларни бир-биридан юмшоқ ашёлар ёрдамида узоқлаштиринг.



7.6. Ашёлар муомаласи тартиби

7.6.1. Кийим-кечак


Ашёлар билан муомала қилғанда:

- Қулай кийим ва сирғанмайдыган пой-абзал кийинг;
- Узук, билагузук ёки бошқа заргарлик буюмларини тақманг.




7.6.2. Қўлқоплар

Ип газламали силлиқ ёки нитрилдан қилинган қўлқоплардан фойдаланинг. Қўлқоплар бўлмаган тақдирда, ашёлар кирланиши олдини олиш учун қўлларни яхшилаб ювинг.




7.6.3. Жихозар

Бирон-бир ашёни қүчиришдан аввал мос жиҳозни йиғиб қўйиш лозим.



7.6.4. Янги жой

Ашёнинг янги жойини олдиндан тайёрлаш керак.



7.6.5. Маршрут

- Маршрут режасини ашёларни транспорт ёрдамида ташишдан олдин тузинг.
- Эшик ва йўлаклар кенглигини текширинг.
- Зиналарнинг баландлигини текширинг.
- Хар қандай тўсиқни олиб ташланг.



7.6.6. Гурӯҳ

Агар транспорт ёрдамида ташишда кишилар қатнашаётган бўлса, ашёлар билан мумомала кетма-кетлигини олдиндан келишиб олиш даркор.



7.6.7. Ашёлар кўриги

- Жойини ўзгартиришдан аввал ашёлар бутлиги ва турғунлигини текшириш мақсадида уларни кўриқдан ўтказинг.
- Йирик ашёларни кўчиришдан олдин уларнинг тузилиши, вазни, катталиги ва шаклини инобатга олинг.




7.6.8. Ашёларни кўтариш

- Ашёни кўтаришдан олдин уни ушлаш қанчалик хавфсизлиги ва агар хавфсиз бўлса, қайси жойидан ушлаш мумкинлигини аниқлинг.
- Ашёнинг синиб ажralиб кетадиган даста ва бошқа буртиқ қисмларига эътибор беринг.
- Ашё сиртига из туршишидан эҳтиётбулиқ,



7.6.9. Ашёларни күтариш

- Ашёларни бармоқлар билан имкон қадар авайлаб күтариңг.
- Ашёларни маҳкам ушлаш учун иккала қўлни ҳам ишлатинг.
- Бир қўлни ашёнинг тагига ёки энг оғир қисмининг тагига қўйиб, иккинчи қўл билан ашёни ушлаб туриңг.



7.7. Коллекцияни кўчириш

7.7.1. Умумий мулоҳозалар

Ашёларни транспорт ёрдамида ташишда қўйидагиларни таъминлаш мухим:


- ҳар бир ашёга таянч;
- силкиниш ва зарбалардан ҳимоя.



7.7.2. Аравачалар

Қуидагилар билан жиҳозланған аравачалардан фойдаланинг:

- зарбаларни юмшатувчи ва аравачани түрғун қолатда ушлаб турувчи пневматик шиналар ёки катта диаметрли резина шиналар;
- аравачадаги ашёлар сұнадиган ҳамда ашёларни сурилиш ва тушишдан сақлайдиган юмшоқ тағликлар.




7.7.3. Транспорт ёрдамида ташиш

- Аравачаларни иложи борича бир мағоимдаги тезликда юргизинг.
- Кескин харакат ва бирданига тұхтапыштардан эхтиёт бўлинг.

8-БОБ **ХИЗМАТ КҮРСАТИШ**

8.1. Тозалик ва тартибни сақлаш



- Захирахонада тозалик ва тартибни таъминлайдиган тозалик ва тартиб сақлаш тизимини жорий қилиш керак.
- Ташкилотнинг меъёр ва стандартлари га мувофиқ равишда ишларни ташкил қилинишини таъминлайдиган мунтазам хизмат кўрсатувчи тартиб-қоидалар ва назорат рўйхатларини ишлаб чиқиш керак.
- Мунтазам жорий тозалаш бўлмаса, йиллик асосий тозалаш бефойдадир.
- Тозалаш ишларини тез-тез олиб борилиши натижасида зааркунандалар келтирадиган хатарлар йўқقا чиқади.
- Ашёлар ва ашёлар олдидағи жойларни тозалаганда оқартирувчи воситалар ва аммиакдан фойдаланиш мумкин эмас.

8.1.1. Намунали тозалаш тартиби

Захирахонада тозалаш ишларини мунтазам равишда амалга ошириш лозим.

Намунали тозалаш тартиби қуйидагича бўлиши керак:

Ҳар куни: маҳсус фильтрлар билан жиҳозланган чангютгич ёрдамида чангни тозаланг. Қопқоқли ахлат бакларидаги ахлатни йигиб олинг. Ахлатни йўқотинг.

Ҳар ҳафта: нам (жиққа ҳқл бўлмаган) латтада полларни ювинг. Захирахонага кириш жойидаги гиламчаларни чангютгичда тозаланг.

Ҳар ойда: қути ва девор шкафлари тагини чангютгичда тозаланг.

Ҳар йили: захирахонани чангютгич ёрдамида тозаланг.



8.1.2. Ашёлар чангни артиш

Ашёларни тозалаш ва улардаги чангни артиш махсус тайёргарликни талаб этиб, фақат малакали консерватор томонидан ёки унинг раҳбарлигига амалга оширилиши шарт.

Умуман олганда:



- ашёлар чангни артиш захирахона ташқарисида амалга оширилиши керак;
- қуруқ кир ва чанг юмшоқ қуруқ чўткада тозаланиши, кейинчалик эса тўлиқ фильтрлаш тизимиға эга (юқори самарали қуруқ ҳаво фильтри) чангютгич ёрдамида тозаланиши лозим;
- ашёни бевосита тозалаш учун ҳеч қачон чўткали чангютгич ишлатилмасин;
- чангни артиш учун эритувчи суюқликни (сув ёки бошқа суюқликлар ҳам) ишлатиш мумкин эмас;
- ҳар хил ашёлар учун алоҳида чўткалардан фойдаланиш керак. Патлардан чангни артиш учун юмшоқ чўтка ишлатилса, металлдан қилинган ашёлар қаттиқроқ чўтка ёрдамида тозаланиши мумкин. Чанг йиғилиб қолиши олдини олиш мақсадида чўткаларни мунтазам равишда тозалаб туриңг;
- даставвал энг енгил эритмаларни ишлатиш даркор;
- шубҳалар пайдо бўлса, мутахассис билан маслаҳатлашиб кўринг.

Күйидаги эҳтиёт шартларини ҳисобга олинг:

- чанг таркибида заараркунандаларга қарши илгариги тозалашдан қолиб кеттган заҳарли моддалар каби ифлослантирувчи омиллар бўлиши мумкин. Чангни артишдан аввал ашёларда шундай қолдик моддалар борлигини текшириш керак;
- ифлосланган чангдан ҳимояни таъминлаш учун юз ниқоблари ва нитрил ёки резина ёки шунга ўхшаш бошқа ашёдан тайёрланган қўлқоплардан фойдаланиш лозим.




8.2. Кўрик ва мониторинг

Заараркунандалар зарари аломатларини текшириш мақсадида мунтазам равишда кўрик ўтказиш керак. Шу билан бирга захирахона орқали ўтувчи қувур ва тармоқларни текшириб туриш керак.

Ашёларни сақлашда ва транспорт ёрдамида ташишда ишлатиладиган ашёлар

Позиция	Таъриф	Товар белгиси ёки асл ном-ланиши	Күллашдан мақсад
Қоплар	Қайтадан зичловчи (хаво киритмайдиган ва чиқармайдиган) полиэтилен қоплар	Ziplocks®, Baggies®, Minigrip®	<ul style="list-style-type: none"> Майда ашёларни сақлаш. <p>Изоҳ: хаво айланисини таъминлаш учун қопларни зичлаш шарт эмас.</p>
Лист (ашё билан бевосита муомала учун)	Занглашга қарши юпқа ўраш қофози		<ul style="list-style-type: none"> Ашёлар орасига қистирма ёки ўраш ашёси сифатида қўлланилади. Тўлдиргич ёки ямоқ сифатида қўлланилади.
Плёнка (ашё билан бевосита муомала учун)	Харир полизифир плёнка PET (полиэтиленли терефталат)	Mylar®, Melinex®	<ul style="list-style-type: none"> Ашёнинг ёпишқоқ сиртки қисмлари учун ўраш ашёси. <p>Изоҳ: турғун ҳолатда заряд олиши мумкин.</p>
Газлама (ашё билан бевосита муомала учун)	Дока, ип газлама ёки зигир мато		<ul style="list-style-type: none"> Ўраш ашёси.
Мато (ашё билан бевосита муомала учун)	Матога оид бўлмаган қалин полиэтилен толасидан тайёрланган ашё	Tyvek®	<ul style="list-style-type: none"> Чангдан сақлайдиган ғилоф ва лейбл сифатида қўлланилади. <p>Изоҳ: баъзи турларидаги Teflon® бўлади.</p>
Тўлдиргич	Момиқ пахта ёки полизестердан тайёрланган қистирма	Fibrefill®	<ul style="list-style-type: none"> Ип газлама билан қопланган астар ёки юмшоқ асослар учун қўлланилади.
Газлама	Пахтадан (ёки полизестердан) тайёрланган чўзилувчан юмалоқ (тубасимон) трикотаж полотно	Stockinet	<ul style="list-style-type: none"> Момиқ ёки латталар билан тўлдирилган бўлиб, захирахона ва кўргазма залларида ишлатили мумкин.
Ип/тасма	Ип газламадан ёки полизифирдан тайёрланган ип ёки тасма		<ul style="list-style-type: none"> Ашёлар турли қисмларини бириктириш учун ишлатилади.
Таянч	Кислотасиз картон (баъзан букламалар қилинган)	Mattboard	<ul style="list-style-type: none"> Таянч ва катта бўлмаган тагликлар учун қўлланилади.

Таянч	Кислотасиз зичланган пено-полистирол, сиртқи қисмі қоғозлы полиуретан	Kapaline®, Artfoam®	<ul style="list-style-type: none"> Оралиқ ямоқ сифатыда фақат вәқтінчалик фойдаланыш учун күлланилади; кимёвий жиҳатдан нөхор ашё.
Таянч	Таянч учун мұмкатақ картон (қат-қат картон)	Кислотасиз қаттық қоғоз картон	<ul style="list-style-type: none"> Оғир ашёларни ўрнатаётганды ишлатилади.
Таянч	Бұртма чизиклар билан қолланған полипропилен панель	Coroplast®, Vikuprop®	<ul style="list-style-type: none"> Оғир ашёлар ўрнатыш ҳамда асос сифатыда фойдаланыш учун ишлатилади.
Таянч (әғилувчан)	Түр тузилмали полиэтилен	Plastazote®, Cubicel®	<ul style="list-style-type: none"> Тұлдиргич сифатыда ёки ашё билан бевосита мұомалада бўлғанда устки қисм сифатыда қўлланилади. Захирахона колекциялари учун ёки транспорт ёрдамида ташишда юмшоқ таянч сифатыда ишлатилади.
Таянч (қаттық)	Ёпиқ кавакчали оқ пенополиэтилен	Polyfoam®, Ethafoam®, Museum ArtFoam®	<ul style="list-style-type: none"> Захирахоналардаги пояларга юмшоқ таянч бўлиб хизмат қиласади. Ўраш ва транспорт ёрдамида ташишда ҳам ишлатилади. Листлар тортма ва токчалар қолламаси сифатыда ишлатилиши мумкин. <p>Изоҳ: йўғонлик ва тигизлик ашё вазнiga мос бўлиши керак. Сиртқи қисм қўпол бўлиши мумкин, ва юмшоқ ашё билан қолланishi шарт.</p>
Елим ва тасмалар	<ul style="list-style-type: none"> Тез эрийдиган елим Елимли қоғоз ёки зигир тасма Ип газлама ёки полиэфир саржа тасма 	Velcro®	<ul style="list-style-type: none"> Ашёларни ёпишириш учун елимлайдиган ашё. Изоҳ: ашё билан бевосита мұомала килмаслиги керак.



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization